



ФИНЛЯНДИЯ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ МИЛЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИМИЗДА ҚЎЛЛАШ МУМКИН БЎЛГАН ЖИХАТЛАРИ

Собиржонов Мухиддин тохиржон ўғли¹

¹ Андижон машинасозлиги институти иқтисодиётда ахборот
технологиялари ва тизимлари мутахасислиги 2-босқич
магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5841186>

МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 01-Yanvar 2022
Ma'qullandi: 05- Yanvar 2022
Chop etildi: 10- Yanvar 2022

KALIT SO'ZLAR

Финландия, таълим,
тизим, келажак, илмий,
ҳамкорлик,
методика, ахборот.

ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада Финландия таълим тизимининг
миллий таълим тизимимизда қўллаш мумкин бўлган
жихатлари тоғъгрисида фикр йуритилган.



"Айни вақтда биз таълим-тарбия
муассасаларининг моддий-техник
базасини мустаҳкамлаш, муаллимлар,

профессор-ўқитувчилар малакасини
ошириш, хориждаги етакчи таълим
марказлари билан илмий-педагогик



ҳамкорликни кучайтириш, ўқув-тарбия жараёнларига замонавий таълим ва ахборот технологияларини, янги ўқув методикаларини жорий этиш бўйича ҳали олдимизда кўплаб долзарб вазифалар турганини яхши англаймиз ва уларнинг ечими устида доимий иш олиб борамиз"

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ

МАЪЛУМОТ УЧУН

Финляндия – таълим тизимида юқори натижаларга эришиш масалаларида энг барқарор мамлакатлар сирасига киради. У қойилмақом таълимнинг синонимига айланган. Ҳақиқатан ҳам кўплаб



мамлакатлар Финляндияга ўз экспертларини илғор тажриба, қонун чиқариш асослари ва яхши амалиётларни ўрганиб, ўз мактабларида қўллашни ўзлаштириш учун юборади.

PISA-2015 натижаларига кўра, Финляндия ўқиш саводхонлиги бўйича 4-ўрин, табиий фанлардан 5-ўрин ва математикадан 13-ўринни эгаллади. Эҳтимол, бу натижалар унинг олдинги тадқиқотлардаги юқори кўрсаткичларидан пастроқдир (уч йўналиш бўйича энг паст ўзлаштирувчи ўқувчилар улуши рейтинг чўққисидаги мамлакатлар – Канада, Эстония, Гонконг, Сингапур ва Вьетнамга нисбатан юқори

эди), аммо айти пайтда Финляндия юқори натижаларга эришган энг ишончли тизимлардан бири бўлиб қолади.

Бу мамлакат тажрибаси муваффақият қозонишнинг кўп усуллари мавжудлигини кўрсатади. Аммо кўпчилик муваффақиятли таълим тизимлари каби, фин таълим тизими шароити оғир ўқувчилар ҳам юқори натижаларга эришиши мумкин ва ҳар қандай мактаб, қаерда жойлашганидан қатъи назар, юқори сифатли таълим бериши керак, деган фикрга асосланади. Финляндия мисоли фақат таълим тизими сифати унинг ўқитувчилари сифатидан юқори бўлмаслигини тасдиқлайди.

1960 йилларнинг охирида юқори сифатли таълимни гимназия ва лицейларда таълим олаётган камчилик учун эмас, ҳар бир ўқувчи учун умумий ва очик қилиб, умумтаълим мактабларини ривожлантиришга қарор қилинди. Бу тизимни жорий этиш 1970 йилларнинг охиригача давом этди. Бўлғуси ўқитувчиларни тайёрлаш иши университетларга ўтказилди ва анча жиддийлашди.

Финляндияда яхши тайёрланган ишчи кучига бўлган талаб ва бу талабларни қондириши мумкин бўлган очик ва юқори сифатли ўқитиш тизимига эга бўлган таълимга эҳтиёж бор эди. Ва албатта, фин тизимининг яна бир хусусияти – бу такомиллашиш тамойилидир. Махсус таълим эҳтиёжига эга болаларга ғамхўрлик қилиш ҳар қандай мактаб ишининг ажралмас қисмидир. Болалар яна индивидуал ёрдам олади ва эътиборда бўлади.



Финляндияда умумтаълим тизими

қуйи
(alakoulu)
1-6 синф;

юқори
(yldkoulu)
7-9 синф.

Финляндия таълим тизими Нуфузли Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан уч йилда бир ўтказилувчи халқаро тадқиқотларга кўра, финляндиялик мактаб ўқувчилари

дунёдаги энг юқори билимлар даражасини намоиш этишади. Улар шунингдек дунёдаги энг кўп китоб ўқувчи болалар ҳамдир. Бундан ташқари, финляндиялик мактаб ўқувчилари табиий фанлар бўйича - дунёда иккинчи, математика бўйича эса бешинчи ўринни эгаллашади.

Финляндия мактаблари қандай?

Финляндияда ўртача мажбурий умумтаълим тизими икки босқичли мактабни ўз ичига олади:

Қўшимча 10-синфда ўқувчилар ўз баҳоларини яхшилашлари мумкин. Сўнгра болалар ё профессионал



коллежга йўл олишади, ёки лицей (lukio)да ўқишни давом эттиришади.

Мамлакатда на элита ва на "бўшроқ" мактаблар бор. Финляндиядаги энг йирик мактабда 960 нафар ўқувчи таълим олади. Энг кичигида эса - 11 нафар. Барча мактаблар мутлақо бир ҳил жиҳозланган, бирдек имкониятларга эга ва бир ҳил молиялаштирилган. Деярли



Финляндияда тенглик тамойилига риоя қилган ҳолда швед тилидаги параллель таълим тизими мавжуд - боғчалардан тортиб то университетларгача. Саам



Педагоглар ўқувчининг эътиборини қаратишга ҳаракат қилишади, лекин унинг ўргатилаётган фанга қизиқиши ёки қобилияти бўлмаса, дарров "икки" баҳо билан "сийлашмайди", болани келгусида унча мураккаб бўлмаган, амалий жиҳатдан фойдали бўлган касбга йўналтиришади. Ҳамма ҳам самолёт

барча мактаблар - давлат мактаблари бўлиб, ўнлаб хусусий мактаблар бор.

Фин мактаблари ўқув муддатининг учдан бирига яқинини дарсдан ташқари фаолиятга бағишлайди, бу билан бўш ўзлаштирувчи ва истеъдодли ўқувчилар билан ишлаш учун ўқитувчиларга кенг имкониятлар яратиб беради.



ҳалқининг манфаатлари ҳам унутилмаган, мамлакат шимолида она тилида таълим олиш мумкин.



ихтиро қилиши шарт эмас, автобусларни ҳам кимдир бошқариши керак-ку, ахир!

Бунга ҳам ўрта мактабда чора кўрилади - муайян ўсмир лицейда билимларини давом эттириши керакми ёки олган билимлари етарлими, профессионал касб-хунар мактабига бориш керакдир, эҳтимол. Таъкидлаш



жоизки, бу икки йўл ҳам мамлакатда бирдек қадрланади.

Ҳар бир боланинг у ёки бу фаолиятга мойиллигини аниқлаш "келажак ўқитувчиси" томонидан тест ва суҳбатлар йўли орқали амалга оширилади.

Умуман олганда, Финляндия мактабида таълим жараёни юмшоқ, бироқ бу мактабни жиддий қабул қилмаса ҳам бўлади, дегани эмас. Мактаб режимига риоя қилиш мажбурий. Барча ўтказиб юборилган дарсларда қайта ўтиришга тўғри келади. Масалан, ўқитувчи 6-синф ўқувчиси учун ўз жадвалидан "бўш соат"ни белгилайди ёки 2-синфнинг дарсига кириб ўтиради. Дарс қиладими, зерикиб ўтирадими, ўзига ҳавола. Кичик ёшлиларга ҳалақит берса, бу ҳисобга ўтмайди, яна бошқа соатда қайта ўтиришга тўғри келади.



Финляндияда қийналаётган ва кўшимча ёрдамга муҳтож болаларни фан ўқитувчилари билан ҳамкорлик қиладиган устоз-ўқитувчилар аниқлайди, кейин эса синфдошларига етиб олишда бундай ўқувчиларга ёрдам бериш учун улар билан яқка ҳолда ёки кичик гуруҳларда ишлайди.



Фақат танлаб олинган ўқувчиларгина муваффақиятга эриша олади, деган фикрдан воз кечиш ва ҳар бир ўқувчи юқори даражада ўзлаштира олишига ишониш учун кўпчилик давлатларга узоқ вақт керак бўлди. Бу мақсадга эришиш учун таълим сиёсатини ишлаб чиқиш ва имкониятларни оширишнинг ҳар

томонлама мувофиқлаштирилган дастури зарур. Аммо яхши кўрсаткичларга эга мамлакатларда мавжуд моделлардан бири ўқувчиларнинг қобилияти ва турли даражадаги когнитив кўникмаларига қараб ажратадиган тизимдан ҳамма ўқувчилар ҳаммага бирдай талаб қўйиладиган ўқув дастурига эга умумтаълим мактабларида ўқийдиган тизимга аста-секин ўтишдир. Финляндия 1970 йилларда шу йўлдан борган биринчи мамлакат бўлди.



"Доска олдида" ўқитиш усули қўлланмайди, болалар материални сўзлаб бериш учун доска олдида чақирилмайди. Ўқитувчи дарсга умумий тус беради, сўнгра ўқувчилар орасида юриб, уларга вазифаларни бажаришга ёрдам беради ва жараённи назорат қилади. Ўқитувчининг ёрдамчиси (фин мактабларида ўқитувчи ёрдамчилари ҳам бўлади) ҳам худди шу иш билан банд бўлади.

Дафтарга қалам билан ёзиш ва қанча хоҳласа, шунча ўчириш мумкин. Ўқитувчи ҳам вазифани қаламда текшириши мумкин.

Ўқитувчилар ҳам болаларга бор меҳрини беради, "севимлилар" ажратилмайди. Қоидадан ҳар қандай четга чиқиш бундай ўқитувчи билан шартнома бузилишига олиб келади. Фин ўқитувчилари фақат таълим берувчи вазифасини бажаришлари керак. Жамоада барча ўқитувчилар - физиклар ҳам, адабиётчилар ҳам, меҳнат ўқитувчилари ҳам бирдек тенг.





Катта ёшли кишилар (ўқитувчилар, ота-оналар) ва болалар ҳуқуқлари тенглиги.

Финлар бу тамойилни "ўқувчига ҳурмат" деб аташади. Болаларга 1-синфдан уларнинг ҳуқуқлари тушунтирилади, ижтимоий хизматчига катта ёшлилар устидан шикоят қилиш ҳам шулар жумласидандир. Бу финляндиялик ота-оналарни уларнинг фарзанди - мустақил шахс эканини, уларга сўз билан ҳам, "қамчи" билан ҳам озор етказиб бўлмаслигини тушунишга рағбатлантиради. Финляндия меҳнат қонунчилигига кўра, педагог ўз касбидан келиб чиқиб ўқувчини таҳқирлашга ҳаққи йўқ. Барча ўқитувчилар фақат 1 йилга шартнома имзолашади, бу муддатни узайтириш ҳам, тўхтатиш ҳам мумкин. Ўқитувчиларга жуда яхши маош тўланади: фан ўқитувчиси - 5000 еврогача, ёрдамчи - 2500 еврогача.

Ўқитувчи ўқувчисининг ота-онаси ким бўлиб ишлашини охириги навбатда, зарурарт туғилгандагина билади. Ўқитувчиларга ота-оналарнинг иш жойига доир саволлар бериш тақиқланган.

Якуний хулоса

Финляндия мактабларидаги таълим тизими қисқа сатрларда мана шундай. Эҳтимол, у кимгадир нотўғридек туюлиши мумкин. Финлар мукамалликка даъвогарлик қилишмайди ва эришилган ютуқлар билан чекланиб қолишмайди, ҳатто энг яхши тизимда ҳам камчиликлар бўлиши мумкин. Улар мамлакатдаги мактаб

тизими жамиятдаги ўзгаришларга қанчалик тўғри келишини доимий равишда тадқиқ қилишади.

Шуниси қувонарлики, финларнинг фарзандлари тунда асабий зўриқшдан уйғонмайди, тезроқ катта бўлишни орзу қилмайди, уларда мактабга нисбатан нафрат йўқ, ўқувчилар навбатдаги имтиҳонларга тайёрланиб, ўзлари ва бутун оила аъзоларини қийнамайди. Хотиржам, сермулоҳаза ва бахтли фин болалари китоблар мутолаа қилишади, таржимасиз (оригинал тилда) фильмлар кўришади, компьютер ўйинлари ўйнашади, ролик ва велосипедларда учишади, мусиқа ва театр пьесалари яратишади, қўшиқ куйлашади. Улар ҳаётдан қувониб яшади ва бунинг орасида таълим олишга ҳам улгуришади

Фин мактабларида баҳолар хавотир уйғотмайди, улар фақат ўқувчининг ўзи учун керак, қўйилган мақсадга эришишда болага мотивация бериш ва ўзини текшириш учун қўлланилади. Баҳолар ўқитувчи, мактаб нуфузига таъсир кўрсатмайди ва ҳеч қандай кўрсаткичларини бузмайди.

Бу маълумотлар Сизнинг иш фаолиятингизни яхши томонга ўзгартиришингизда ёрдам беради деган умиддамиз, чунки Ўзбекистонда ҳам шундай шароитлар яратилмоқда фақат ўзимиз ўзгаришимиз керак.

Зеро "Сифатли таълим, юқори натижа ва ўқувчининг тақдирига бефарқ бўлмаслик" бизнинг асосий шиоримиздир!



FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

- 1 hozir.org
- 2 fayllar.org
- 3 uz.denemetr.com